зоми билан меҳмонларни таъинлаштириб, партиянинг тенг камровли фаолияти ҳусусида берди. Уртада бўлиб ўтган савол-жавоблар иккала томоннинг ҳам ўз фаолиятини янада кенгайтириб, жамият иқтисодий-сиёсий тараққиётидаги иштирокини қучайтиришга, фаолиятини оширишга қаратилди. Энг муҳими, мазкур учрашув Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги яна бир ҳамкорликнинг юзага келадиганидан далолат берди.

Матекўб НАРЗИЕВ, «Адолат» мухбири.

Турун

Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллиги олдидан

«НАВОЙНИ АНГЛАМОҚ — ДУНЁНИ АНГЛАМОҚДИР»

— дейди Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин ВОҲИДОВ



Шилар менинг қадримга етарлар, мазорим ҳоқини қўзларига тўтиб қиларлар. Лекин тирикчилигимда бедодлик қилганлар мен дунёдан ўтгач ўқинмоқлари бенаф, қўзларига тўтиб қилмоқ учун ғуборимни ҳам тополмагайлар. Ушанда, эй ахли гафлат, Навоий қайга азимат этди деб сўраманг, мен тирикчилигимдаёқ ихтиёрим жиловини қазонинг қулига бериб қўйганман:

Деманг, қай сори азм этгун, мена йўқ ихтиёр, охири — қаза илҳага бермишмен ишони ихтиёримни.

Ошиқ дунёнинг жабру жафосидан кўп қонли ёшлар тўқди. Оқибат қўзларига ўша қон ёшлар баён қилиб татом бўлди. Фақат заъфарондек сарғайган юзи қолди. Шоир бу халатни хайратомуз ташбехга боғлайди, золим фалак менинг баҳоримни олиб ўшир бадалига ҳазон фаслини берди. Бу лолдак қон ёшларини қуриб, ҳазондек сарғайган юзим қолганидан намоён бўлиб турибди.

Туганди ашиқ гулгун, эмди қолмиш заъфарони юз, Фалак зулми бадал қилди ҳазон бирла баҳоримни.

Навоий даҳр зулмидан бошига ёғилган балоларни байтдан байтга қўчириб фарёд билан баён қилади. Биринчи байт ошиқнинг «жунун водийсига мойил» бўлганини, иккинчи байт дунёдан тамом йўқ бўлиб кетиш тилагини ифода қилса, газал сўнгига ақил шоир буларнинг барчасидан ўта офатни қаламга олади — бу офат телба бўлишдан ҳам, дунёдан беному нишон кетишдан ҳам оғир бир офат. Бу — ёру дийрдан жудо бўлиш мусибати. Навоий шундай ёзади:

Дийрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат, Не тонг, бошим олиб кетсам қўйб ёру дийримни.

Яъни, агар мен ёру дийримни ташлаб бош олиб кетар бўлсам, бунинг боиси ёрдан ва дийрим одамларидан бошимга минг балолар ёқандидир. Тақдир менинг бошимга солган бу савдо шундай оғир савдоким:

Емон ҳолимга бағри овғай ҳар кимсақим кўргай, Бағир парғоласидан қонга булғонгон узоримни.

Бағрим пора-пора бўлганидан қонга бўялдим, бу ҳолимни кўрган ҳар бир кимсанинг бағри оғирмай иложи йўқ. Тириклик шоирнинг наздида — дард. Бу дардин давоси эса ёлғиз ўлим. Асли шаробдан келган бош оғриқнинг дафъи ҳумори дарди қотилдир.

Ҳаётим бодасидан саргаронмен асру, эй соқий, Қадаҳқа захр қотил қуй, дови дафъ эт хуморимни.

Яъни, ҳаёт бодасини ичиб бошим оғрийдур, эй соқий, қадаҳқа захр қуйиб бергин-да менинг бошим оғригини дафъ эт. Чунки бу дунёда ўлмай туриб тинчмак мумкин эмас, шу боис мени дардлардан озод қилмоқчи бўлсангиз, бору йўғимни ёқинг:

Жаҳон тарқини қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмасмур, Навоий қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Навоийнинг бу машҳур газали фалак бедодидан, бемехр одамлар жабрдан шоирнинг чеккан ноласи бўлиб неча аслар оша девондан девонга кўчирилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, ҳам китоб варақларида, ҳам қўшиқлар қанотида бизгача етиб келди. Букун биз улуг бобомизнинг олис набиралари беқибс истевдод қаламидан тўқилган мана шу сатрларни ўқиб, эшитиб оқимиз ва юрагимиз билан баҳрамандлик топамиз, узоқ-узоқ замонларнинг садосини тинглагандай бўламиз...

— Эркин ака, суҳбат ва шарҳ учун минг раҳмат! Кўп йилларга саломат бўлинг. — Сизга ҳам раҳмат. Навоий ижодининг асл муҳлисларига менинг самимий саломимни етказинг. — Ташаккур!

Суҳбатдош: Ортиқали НОМОЗОВ.

Илм ва тарбия

Жамики ақл ва илмларнинг чексиз манбаи, меҳрибон ва билимдон Аллоҳ одам болаларига ақл, фарosat, илм, ахлоқ, одоб бериб, уни жонзотларнинг ҳаммасидан улуг қилиб яратди. Куръони Каримнинг «Ҳижр» сурасида илм ва инсон зотининг улуглиги ҳақида куйидаги оятлар ваҳий бўлган: Албатта, биз ўзини ҳаёт бевурмиз ва ўлим бевурмиз... (Эй Муҳаммад), албатта ларвардигорингизнинг ўзи (қиймат қуни) улар (яъни аввалу охири ўтган инсонларни) тўлар. Албатта, у ҳикмат ва билим соҳибидир. Бас, қачон уни тиклаб, ичига ўз (даргоҳимдаги) жондон киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз, деганимда барча-барча фаришталар унга (яъни, одамга) сажда қилдилар. Одамзод ўз ақли туйғайли ҳамма махлуқлар орасида энг улуги, сараси саналиб, яхши-ёмонни ажратувчи билимдон, тадбирли, ахлоқ ва одобли, яхши хулқи билан доим улуглини келинади.

Аллоҳ талонинг хузурида Одам боласининг шу даражада улуг ва азиз бўлишининг сабаби унинг дилидаги иймони ва ақли туйғайлидир. Дил ва ақлнинг тарбияси илм билан ривожланиб, камол топади. Илм ақлнинг тарбиясидир. Илм туйғайли одамлар нодонлик, жаҳолат ботқоқидан чиқиб ўз иймонларини камолотга етказдилар. Инсон ақли ва илмининг ёрдами билан турли мушкулларини енчиб, ўз ҳаётида алдамасдан тўғри йўлларни топиб ҳар икки оламда бахтга эришади. Навоий дostonи қарамони Фарҳод тилсимини енчиб ўшун Сўқрот ҳақим билан учрашуви бежиз эмас. Илмсизлик — бидъат, жаҳолатнинг онасидир. Бидъат ва хурофот эса, Аллоҳнинг наздида энг ёмон амаллардан ҳисобланади. Бидъат ва хурофотнинг офати ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай дебдилар: «Бидъат, хурофотга берилган одам то уларни тарқ этмагунча қилган савоби ишларини Аллоҳ таоло қабул қилмайди». Бидъат ва хурофотдан қутулмоқлик ва ақл-фарosat билан иш тутмоқликни қалтириб илмдир. Илм туйғайли кишилар яхши амаллар қилиб, бу дунёда бахтли ҳаёт кечирсалар Аллоҳнинг хузурига очик юз билан борадилар. Илм туйғайли кишилар ҳақ ва ноҳақни, ҳалол ва ҳаромни фарқлайдилар ва адолат қилдилар. С.А.В шундай таълим берадилар: «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм талаб қилинлар. Чунки талаби илм бўлиб ҳар бир мўмин учун фарздор». Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ушбу сўзлари факат диний илмлар билан чекланиб қолмасдан, балки дунёвий илмларнинг ҳам иложи борича кўпроқ ўрганишга даъват этади. Кишилар улга йимон келтирадилар. Ҳадиси муборакда илмининг ҳосияти ҳақида айтилган гаплар ҳамма учун ийбат намунасидир. «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздор. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги баликлар ҳам гуноҳини сураб истигфор айтади. Бир соатгина илм ўрганиш бир кенали ободатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ойда тўтилган нафл рўзасидан афзал».

хорий, ат-Термизий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Улугбек, Навоий каби кўплаб алломаларимиз мероси бободо ҳазондир. Гарчанд илм чексиз, бепойун бўлса ҳам ақли донишлар унга итиллабганлар. Илмда осон ва ақил йўл йўқ. Унинг тиконли ва захматли йўлларига бардош бериб ўта олган кишиларгина иймонли қомил инсон бўлиб, Аллоҳнинг ризолигига эришиб, улуглик туплорига миладилар. Илмни ақлнинг чирогои ва жиловодри дейдилар. Илм туйғайли кишилар билимдон бўладилар. Билим ҳақиқатни ёқилиш демакдир. Унга эришмоқлик учун ақл билан тафаккур қилиниб кузатиш ва тажриба ёрдами билан изланган мавжуд масалаларнинг моҳияти очилиб, ҳулоса ва натижалари аниқланади. Аллоҳ томонидан одамлар тақдирига битилган энг улуг наъमतлардан бири бу одамларга берилган ақл, тафаккур ва сўз-забондир. Аллоҳ ўзи берган ақл шу наъматлардан қандай фойдаланиши, одамларнинг ўз ихтиёрига бериб, бандаларини ўзидан миннатдор этган зотдир. Демак, Илм дини одамларга яхши ва ёмон амалларни фарқлаб, бу дунёда Аллоҳ буюрган энг улуг ишларни қилиш учун унинг ихтиёрига ақл-тафаккур чирогини бериб, яхши яшашга буюргандир. Афсуски, айрим кимсалар гоҳ билиб, гоҳ билимай яхшилик ўрнига ёмонликларни қилдилар. Чунки, Уғрилик, хиёнат, бузуқлик ва фисқу-фасод дилдорликни ўз ихтиёрига қилиб, сўнгга ақлнинг торган вақтида айбни шайтонга ёки тақдирга ағдариб «Шайтон йўлдан оздирди», ёки «Худо йўлдан адаштирди», ёки «Тақдирда бор экан», деб уларнинг оқломқочи бўладилар. Бунинг яна бир ёмон фожаси шундаки, қўпчила улар уларнинг «Ҳақ» деб билдилар. Устига устак, бундайлар ўзларини ўта ақли, доно деб ҳисоблайдилар, насихатгўйлик қилдилар. Бундай нодонларнинг хуроқларидан изтироблар чеккан буюк боболаримиз, улуг аллома Абу Али Ибн Сино ўз ҳиссиётларини куйидаги мисраларга тўширган эканлар:

ТОШГА ҲАҚ ҚИЛГАН ҲАҚШ

Ақл-тафаккур ва илмининг афзалликлари буюк аллома ва олимларимизнинг асарларида кўп марта қайд қилинганки, уларни ҳам ўрганиб, тушуниб амал қилишга ақлий тафаккурнинг камолотига ердан беради. Шунинг учун уламоларимиз олимларни барча инсонпарварларнинг улуги ҳисоблашган пайғамбаримизнинг ворислари, деб атайдилар. Илм ва ақлнинг куйидаги ҳосиятлари ҳақида алломаларимиз айтаган ҳикматлар бизни ҳидоят йўлида равои яшишимизга ёрдам беради. Буюк бобимиз Алишер Навоий:

«Илми нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинлар, лекин илми фақат ривоят қилувчи бўлманлар». Афсуски, баъзи олимлик даво қилувчилар илмларни талабаларга, бошқаларга айтиб берадилару аммо ўзлари амал қилмайдилар. Тўғри илми бошқаларга ўргатиш яхши. «Илми ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молудунни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиб билан баробардир». Илмини ўрганганда ҳам уни хўжақурсинга, баъзан ҳозир учраб турадиган, фақат «диплом» учун эмас, камол топиш, талланган соҳани керакчила Улаштириш лозимлиги ўқитиладди. Ақлий тафаккурнинг шаклланишида нодонлар билан бахslash эътиборини ўзига тортиш мақсадида илм ўрганса унинг жойи жаҳаннамдир. Афсус, кўплар фақат молу-дунё ва обрў топиш учун илм оладилар. «Билими етмаган нарсасга фатво берган киши, унга амал қилганларнинг гуноҳларини ҳам олув. Кимки ҳақиқатни билиб туриб нотўғри мақсаҳат берса, демак унга ҳақиқат қилибди». Тағайбардорлар, хўшомақдўйлар одадта шундай қилдилар. «Ўзи билимсиз бўла туриб, турли-тўрли ва мунозара ишларида катнашиб юра-

диган одам то бу ишдан қайтма-гунча тангрини газабда бўлув. Ақлий тафаккурнинг шаклланишида илмининг аҳамияти улуглигини Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом юксак баҳолаганлар. Шунинг учун ул зотнинг ҳадислари, яъни айтаган сўзларига, қилган ишларини ўқиб ўрганган, уларга риоя қилган кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам албатта саодатга эришадилар.

«Эй бахтли зот, бу оламга келган ҳар бир кишининг у дунёга қўчоғи зарурийдир ва лекин ақл ҳўки қиладики, бу масалани билимаган жон таслим қилмоғидан кўра билиб олишим яхшироқдир» — деган эди аллома Беруний сўнгги нафасида ҳам.

«Яхши билимаган нарсасига уринган киши шарманда бўлади. Билимаганимиз сабабли билган нарсаларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас», дейди яна шу улуг аллома.

Умумбарий маданият тарихида буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Имом Бу-

Ақл ва илмининг афзалликлари ҳақида беадд гапирса бўлади. Юқоридагилардан ҳам кўринадик, динимиз илмининг дустидир.

Амакбой КўЧАРОВ, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.



Замонавий коллежларда билим олиш қандай соз.


«Адолат» газетасининг кўплаб муштариолари тахририятимизга мактуб йўллаб, футбол бўйича 2002 йил жаҳон чемпионатининг ўйинлар жадвалини беришимизни илтимос қилишган. Шунга биноан ушбу жадвални чоп этаёмиз.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2002

Table with 5 columns: Group, Rank, Team, Date 1, Date 2, Date 3, Date 4, Date 5. Groups A, B, C, D, E, F, G.

Table with 5 columns: Group, Rank, Team, Date 1, Date 2, Date 3, Date 4, Date 5. Groups H, I, J, K, L, M, N.

Table with 2 columns: Rank, Date, Team. Ranks E1 to C2.



ДУШКАНА ДАВРО

ҲИКМАТ
 • Хар ким ростлик йулини ихтиёр қилса, сўзида ёлгон бўлмаса зафар унга доимо ёр бўлади.
 Байт:
 Ёлгон сўздан сўзинг қадри кам бўлди,
 Кимки ростгўй бўлса, мухташам бўлди.
Мухаммад Жаҳар ЗАМИНДОР



— Чименда... Маз-за!

Ҳайрат ТОШБАКА

Даданинг саксон яшар холиси бўларди. Биз уларни ая деб атардик. Хуллас, аям шу ёшга кириб бирон марта «их» демаган экан. Сабаби озиқ-овқатларнинг фойда-зийнини фарқлаб туриб истеъмол қиларди. Хаттоки тандирдан эндигина узилган нонни ҳам майда тўраб, «духовка»да қотириб сўнг ер эди.
 Бир кунни жигарида оғрик сезиб қолади. Фарзандлари врачга кўрсатмоқчи бўлганда аям бош тортиб: «Шу вақтга қадар дори-уколга аралашмадим, яхшиси ота-боболардан қолган усулни қўлайман», деб туриб олибди. Сўнг ўзига келгач, хассага суяниб, пиёда бозорга тошбака экан. Амн унун чегга олиб чикиди-да, Кўрзон тиловат қилиб, уйга олиб келибди. Косасини ажратиб, яхшилаб ювиб, тозалаб, бир неча бор кайнатиб сувини тўкиб покиза бўлгач, ундан шўрва тайёрлабди. Тошбака шўрва ичганидан сўнг, бирон марта жигарида оғрик сезмабди.
 Бу воқеага анча йиллар бўлса-да, ҳамон ҳайратдаман. Бу қандай синоат ўзи? Атайин тошбака қидириб бозорга кетаётган саксон ўшли кампирнинг овғи остидан тайёр тошбака чиқиб қолса-я... Балким бутун умр ҳалол яшаб, ифбат-иймони бунга сақлагани, ота-боболарнинг удумини ҳамини хурмат қилиб, рўҳини хотирлаб тургани учун Оллоҳ тарафидан тошбака қиёфасида юборилган мўъжизамикан? Нима бўлганда ҳам ўқинчи-синовли дунёнинг сир-у, синоатлари ечилмас туғундир.
Раъно МАХМУДОВА.



Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан кўмак ололмайдиган воға етмаган набираларига бобо ва буви ёрдам бериши мумкинми?
С. КОДИРОВА, Термиз шаҳри.
 — Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 123-моддасига асосан, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан моддий кўмак ололмайдиган воға етмаган набираларига ёрдам бериш мажбурияти етарли маблагга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Бундан ташқари воға етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож набираларнинг ота-онаси, эри ёки хотини ва воға етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

Маҳкумлар меҳнатига қандай ҳақ тўланади?
Т. ТОШМАТОВ, Чирчиқ шаҳри
 — Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 92-моддасига асосан, барча чегирмалардан қатъий назар, маҳкумлар шахсий ҳужум ваарағи уларга эзилган иш ҳақининг қисмида йилгирма беш фоизи, 60 ёшдан ошган эркакларнинг, 55 ёшдан ошган аёлларнинг I ва II гуруҳ ногиронларнинг, ҳомилдор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қосидаги болалар уйда бола-си бор аёлларнинг, шунингдек манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисоб ваарағи эса қисмида эллик фоизи ўтказилиб қўйилади.

Суд тёрговчи жараёнида жабрланувчи маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво қўзғатиши мумкинми?
Б. Исроиллов, Жиззах шаҳри.
 — Жиноят процессуал кодексининг 57-моддасига мувофиқ жабрланувчи, яъни жиноят тўғрисида маънавий зарар кўрган шахс жиноят иши юритилиши жараёнида маънавий зарарни қоплаш ҳақида фуқаролик даъвосини қўзғаш ҳуқуқига эга. Агар жиноят иши кўрилатганда маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги даъво аризаси берилмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, ФПКнинг 245-моддасига мувофиқ бундай даъво фуқаролик иш юритиш тартибидеда қўрилиши мумкин.

Жавобларни Наргиза АМИРОВА тайёрлади.

Шукрона ОЛТИН ЭМАС, ДУО ОЛ

Халқини нихоятда севган, нимаики қилса, шу халқ турмушининг яхшиланишини кулаб иш юритаётган Юртбошимиз жорий йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб беҳудага атамади. 2002 йилни қарши олаётган халқимизга Янги йил байрам табригини Юртбошимизнинг шундай сўзларини ўқийман: «...Барчамизни оқ юбиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енглини умр бўйи елкаларида кўтариб келган, хондонларимизнинг файзи ва қурки бўлган мўтабар хотларни рози қилиш, дуосини олиш энг улуг савабдир. Биз янги йилга меҳрибон ота-оналаримизни, мухтарам қарияларимизни улуғлаш, уларга ҳар томонлама гамҳурлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан қандам қўяётган эканмиз, ўйламанки, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлғай, иншооллох!».



—Юртимиз тинч бўлсин!

Бу сўзларни ўқир эканман, шундай жаннатмакон юртда яшаётганимдан, бу юртнинг кексаларига ҳам, ёшларига ҳам баб-баравар иззат-иқром кўрсатилаётганидан қалбимда ронлиги даврга тўғри келди. У пайтларда давлат манфаатларини ҳисобга олувчи беш йилликлар эълон қилнарди-ю, уларни ҳаётга тадбиқ этадиган Инсоннинг номини улуғловчи бирон йилни эслай олмаيمان.

Жиноят ва жазо ҚОТИЛ ФАМИЛИЯСИНИ ЎЗГАРТИРСА ҲАМ...

Бундан бир неча йил бурун Олег Карпенко деган ашаддий жиноятчи билан Азиз Хошимов деган кимса Ахмал Икромов туманида яшовчи Л. Хохлованинг уйига босқинчилик йўли билан кириб, ўй эгасини ўлдириб, қимнатбахо буюмларни ўмаришиб, жуфтани ростилаб қолганида. Жами 347437 сўмлик мол-мулкни ўмаришди улар.

Табиийки, қотил-талоччиларни қўлга тушириб, жазога тортиш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилди. Натигада Олег Карпенко тутиб келтирилиб, ҳисбога олиниди. Бироқ А. Хошимов гўё бедарак йўқолди-қолди. Уни топши, қилмишига яраша жазога мубтало этишининг ҳаргиз иложи топилмади.
 Ҳўш, талоччи-қотил А. Хошимов ким ўзи? У 1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўрта маълумотли бўлиб, уйланмаган, бўйдоқ. Шу кунгача уч бор судланганга улгурган бўлиб, биринчи бор Ахмал Икромов туман суди томонидан 5 йил, 6 ойга, иккинчи бор Юнусовд туман суди томонидан 1 йилга, учинчи бор Яқсарой туман суди томонидан 15 йилга озодликдан маҳрум этилган шахс экан.
 Бироқ, унга нисбатан амнистия қўлланиб, инсонпарварлик кўрсатилгани тўғрисида белгиланган бу узоқ муддатли жазони ўташдан овоз этилганди. Аммо Хошимов бу инсонпарварликка нисбатан шукроналик билдирмади. Аксинча, озодликнинг қадрига етмай яна жиноятчиликни давом эттирди. Лекин энди Азиз бир эмас, икки эмас, уч бор судланган кимса. Бас шундай экан, одамлар у билан эҳтиётларини қўриб муносабатда бўлишарди. Бу эса Хошимовга ёқмасди. Шу боис у ўз фамилиясини ўзгартириш (қошиқи шу билан унинг инсоний қиёфаси ҳам ўзгариб қолса)га қарор қилди. Худди эртакларда айтилганидек «бир юмалаб» фамилиясини ўзгартириб олди. Бунга оиднинг фамилиясидан отасининг фамилиясига ўтиш орқали мушарраф бўлди. Энди у Хошимов эмас, Аҳмаджонов бўлиб қолди.
 Лекин турмуш тарзи эскичалтичга қолди. Қидирувда бўлишига қарамай бемалол юраверди. Сабаби, энди у Хошимов

эмас, Аҳмаджонов эди-да! Қўнларнинг бирида давлат белгиси 71-41 ТН бўлган «ВАЗ-2103» машинасини «ишончнома»-сиз ҳайда кетаётган Муқимий кўчасидан Усмон Носир кўчасига ўтиш жойида йўл ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузди. Машинаси билан пиёдалар йўлидан ўтиб кетаётган Н. Бугрова урилди. Натигада Бугров қаттиқ жароҳатланди. Бироқ жонли Аҳмаджонов жабрланувчига тез ёрдам кўрсатиш, уни шифохонага олиб бориш унингга жуфтани ростилаб қолди. Бироқ «бузоқнинг югургани сомончага» деганларидек, у ҳам узоққа боролмади. Тезда қўлга олиниб, тергов қилина бошланди.
 Буни қарангки, тергов чоғида Аҳмаджонов бир пайтлар Хохловани ўлдириб, уйини талаган Олег Карпенконинг ҳам-роҳи Хошимов эсанлиги ҳам фожия этилди. Аҳмаджонов бу жусуддаги ҳақиқатни инкор эта олмас экан. Олег билан биргалликда қилган жиноятини тан олмасликка уриниб қўрди. Бироқ, у далиллар-у, гувоҳларнинг қўзғалмалари олдида бош эгишга мажбур бўлди.
 Ушанда у Олег билан Хохлованинг уйига киришганда бе-чора аёл уларни то қотиликкача боришларини хавлига ҳам келтирмаган. Лекин босқинчиларнинг нияти бузуқ эди. Улар аёлни ваҳшийларча чавақлаб, сўнг бойликларини йиғиштирилганлар. Шўнгина эмас, улар қилмишларининг изини йўқотиш мақсадида марҳуманинг уйини ҳам ёқиб кетишга журъат этганлар. Уйдан чиқарган тўтун қўшнларни безовта қила бошлади, улар ёнғиндан хабардор бўлиб қолганлар ва уни ўширишга муваффақ бўлишган.
 Ха, ал қасосул миная ҳақ, дейдилар. Қотил Аҳмаджонов жиноий қилмишлари учун жазодан гоёт устамонлик билан қочиб юрса ҳам барибир мударасига етолмади. У қилмишига яраша жазосини олди. Суд уни 20 йилга озодликдан маҳрум этди. Қотил бу жазо муддатининг дастлабки уч йилини қамокда қолган қисмини эса қаттиқ режимидаги колонияда ўтатишга бўлди. Шу билан собиқ Азиз Хошимов айни пайтдаги Азиз Аҳмаджоновнинг жиноий ҳаракатларига қўн ясалди.

Акромжон АБЗАМХУҲАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси, Мурод КАЛОҲОНОВ, «Адолат» мухбири.



Лаганбардор: 1. Ўзидан паст валозимдаги ходимлар билан гаплашганда...
 2. Юқори идорадан кўнгирик қилишганда...
 Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат.

Мулоқот учун телефонлар:
 Кабулхона — 133-41-89,
 Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64,
 Котибият — 136-55-96.
МАНЗИЛИМИЗ:
 700047, Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилик кўчаси-32.

МАҚТАНМА ҒОЗ

Абдулла АВЛОНИЙни ўқиб...
Кўп буйида битта ғоз, Ҳаёлга толди бир оз. Ўз-ўзидан завқланиб, Мақтаниб деди шоввоз:
Ўзим оддий қуш бўлсам, Уч хил хунарни билсам. Учиш, юриш, сузишни...? Барини қойил қилсам...?
Куроқ тутган қурбақа, Отиб шунда қаҳ-қаҳа, Ғозга қилиб насиҳат, Уялтирди шунақа:
 — Уч хунаринг бўлса ҳам, Буни мақтама, ошнам.

Шукрона МАЪНАВИЯТ КИМ БИЛАН ДЎСТЛАШИШ КЕРАК?

Дўстликдан бирон манфаат кўзлайдиган ва беш хил хусусиятга эга бўлган киши билан дўстлашиш керак.
Биринчи: дўст ақлли бўлиши керак, зеро ақлсизлик яхшилик белгиси эмас. Донолар: «Ақлсиз дўстан ақли душман яхши» деганлар.
Иккинчидан: дўст хушфел бўлиши лозим, чунки бадқадрлар билан тил топишиш қийин.
Учинчи: дўст бадфел бўлмаслиги лозим.
Тўртинчи: у беғараз бўлиши даркор.
Бешинчи: дўст алдоқчи, рибкор, қаллоб бўлмаслиги керак, чунки бундайларнинг дўстлигига ишониб бўлмайди.
 Агар сен ҳақиқий дўст топсанг, қуйидагиларга амал қил:
 • Дўстингдан ҳеч нарса ни аяма. Унинг сирларини қалбинда сақла, ҳеч кимга ошкор қилма.
 • Одамлардан унинг нуқсонларини уйир, камчиликларини фақат ўзга айт, токи уларни тузатсин.



МУҲИМ САНАЛАР

- 1 январь — СЕШАНБА — Янги йил байрами.
- 14 январь — ДУШАНБА — Ватан Ҳимоячилари кўни.
- 21 март — ПАЙШАНБА — Наврўз байрами.
- 23 март — ШАНБА — Жаҳон метеорология кўни.
- 1 апрель — ДУШАНБА — Ҳазил-мутойиба кўни.
- 14 апрель — ЯҚШАНБА — Халқроқ ўшлар бирдамлиги кўни.
- 26 апрель — ЖУМА — Жаҳон биродарларлашган шаҳарлар кўни.
- 18 май — ШАНБА — Халқроқ музейлар кўни.
- 24 май — ЖУМА — Ким-ёгарлар кўни.
- 1 июнь — ШАНБА — Халқроқ болаларни ҳимоя қилиш кўни.
- 5 июнь — ЧОРШАНБА — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўни.
- 9 июнь — ЯҚШАНБА — Тиббиёт ходимлари кўни.
- 26 июнь ЧОРШАНБА — Халқроқ гиёҳвандликка қарши кураш кўни.
- 27 июнь — ПАЙШАНБА — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни.
- 12 август — ЯҚШАНБА — Давлат солиқ хизмати ходимлари кўни.
- 16 август — ЯҚШАНБА — Ўзбекистон ҳаво флоти ходимлари кўни.
- 1 сентябрь — ЯҚШАНБА — Муштақиллик байрами.
- 8 сентябрь — ЯҚШАНБА — Халқроқ журналистлар бирдамлиги кўни, шунингдек, Саводхонликни тарқатиш халқроқ кўни.
- 20 сентябрь — ЖУМА — Урмончилар кўни.
- 27 сентябрь — ЖУМА — Халқроқ туризм кўни.
- 1 октябрь — СЕШАНБА — Халқроқ қарилар кўни.
- 1 октябрь — СЕШАНБА — Уқитувчи ва мураббийлар кўни.
- 3 октябрь — ПАЙШАНБА — Халқроқ соғлиқни сақловчилар кўни.
- 13 октябрь — ЯҚШАНБА — Табиий офатни камайтириш халқроқ кўни.
- 17 октябрь — ЯҚШАНБА — Автомобилчилар байрами.
- 10 ноябрь — ЯҚШАНБА — Миллияти кўни.
- 10 ноябрь — ЯҚШАНБА — Жаҳон ўшлари кўни.
- 17 ноябрь — ЯҚШАНБА — Халқроқ талабалар кўни.
- 3 декабрь — СЕШАНБА — Халқроқ ногиронлар кўни.
- 8 декабрь — ЯҚШАНБА — Ўзбекистон Конституцияси кўни.
- 10 декабрь — СЕШАНБА — Инсон ҳуқуқлари кўни.
- 22 декабрь — ЯҚШАНБА — Энергетиклар кўни.

КАҲ-КАҲА

Америкалик машхур врачдан сўрашди:
 — Инсон кўричаксиз яшай оладими?
 — Ҳар қандай инсон яшай олади, лекин жарроҳ яшай олмади, — деди у қатъий.
— Доктор бунақанг қиммат турадиган операциядан воз кечса бўлмайдими?
 — Нима, сиз пунлигизни дафн маросини ишлатмоқчимисиз?
— Йўқ, доктор, фақат икки марта ҳаражат қилишни истайманми?
 Мухбир машхур кино актрисаси Брижит Бардодан хозирги замон пластик жарроҳликнинг имкониятлари тўғрисида у қандай фикрда эканлигини сўради.
 — Жарроҳ, — деди Брижит, — инсон бурнидаги ҳамма нуқсонни йўқотишнинг удрдасидан чиқа олади. Аммо фақат бир нарсани — унинг бошқалар ишига сўқилишини тузата олмади.
«Ахлоқи Мухоний»дан.

ҲИКОЯТ

Айтишларича, ўтмишда бир амалдор донога: «Одамларнинг қелди-кетти-си жонига теги, адолат талаб қилиб келувчилардан безор бўлдим!» — деди. Доно эса унга шундай деб жавоб берди: «Издат тургани тарқ атлаб, мансаб қурчисини бўшат! Сенга сўз бериб айтманки, шундан сўнг сенга ҳеч ким озор бермайди, адолат талаб қилувчиларнинг овғи тийлади!» Байт:
Ихтиёри бўлган киши олдиға, Бенхтиёр оқиб келеди одам. Ихтиёри кетган унинг кўлидан, Келмас ҳеч ким унинг олдиға бир дам!
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.
 Тошкент вилояти Янгийул туманидаги «Янгийулконсаудитахборот» масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ**
 Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичда (8,371) — 107787 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бош муҳаррир: Т. М. ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
 Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖУРАБОВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, М. МҮЙДИНОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШОВ, А. МАМАЖОНОВ, У.Ф. ЖУРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОҲОНОВ, Д. Ф. ТОШМУХАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (Ўз мухбири).

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси илҳодий жамоаси.

Мулоқот учун телефонлар:
 Кабулхона — 133-41-89,
 Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64,
 Котибият — 136-55-96.
МАНЗИЛИМИЗ:
 700047, Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилик кўчаси-32.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Ғ— 100, Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
 Корхона маънази: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
 Навбатчи—Саъдийдин САЙДИСЛОМОВ | Сахифаловчи—Бахтиёр КҮШОКОВ
Газета ИВМ компьютерида терилди.
 Босишга тошхори вақти—20.00. Босишга тошхоралди 20.30.